

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ МАМЛАКАТ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНИГА  
ТАЪСИРИ

**Расулова Шарифа Ғайбуллаевна**

ЖизПИ доценти

**Солиева Дурдона Ёрқинжон қизи**

ЖизПИ талабаси

**Аннотация:** Ривожланиш жараёни хар бир сохада техника ютуқларидан самарали фойдаланишни, иқтисодиёт эса ахборотга тезлик билан эга бўлиш рақобатда ютиб чиқиш омили эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, иқтисодиётга рақамли технологияларни жорий этиш жараёнини, иқтисодиётнинг асосий сохаларидан бир булган Давлат солиқ тизими мисолида ўрганиб чиқилди.

**Калит сўзлар:** рақамли иқтисодиёт, ахборот-коммуникация технологиялари, дастурий таъминот, модернизация, иқтисодий хавфсизлик.

**ВЛИЯНИЕ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ НА ПРОЦЕСС РАЗВИТИЯ СТРАНЫ**

**Аннотация:** в процессе разработки особое внимание уделяется эффективному использованию технических достижений в каждой отрасли, в то время как экономика утверждает, что быстрое получение информации является фактором победы в конкурентной борьбе.

**Ключевые слова:** цифровая экономика, информационно-коммуникационные технологии, программное обеспечение, модернизация, экономическая безопасность.

Инсон ва жамият тараққиёти бугунги кунга келиб кўп жихатдан унинг қанчалик даражада ахборот ва ахборот телекоммуникация технологиялари билан таъминланганлигига боғлиқ бўлиб қолди. Давр талабидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда ҳам бу сохани ривожлантириш, тараққий эттиришга қаратилган қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифаларга мувофиқ ҳолда, иқтисодиёт тармоқлари ва давлат бошқаруви тизимига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш орқали республика иқтисодиётининг рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан, 2023 йилга келиб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 2 бараварга кўпайтиришни назарда тутган ҳолда, шу жумладан ишлаб чиқаришни бошқаришда ахборот тизимлари комплексини жорий қилиш, молиявий-хўжалик фаолиятда ҳисобот юритишда дастурий маҳсулотлардан кенг фойдаланиш, шунингдек, технологик жараёнларни автоматлаштириш орқали уни жадал шакллантириш кўшимча вазифа тариқасида белгилаб олинди. Бундан ташқари 2020-2021 йилларда барча соғлиқни сақлаш муассасалари, мактаблар ва мактабгача таълим ташкилотларини, шунингдек, қишлоқлар ва маҳаллаларни юқори тезликдаги Интернет тармоғига улаш ҳамда алоқа хизматлари сифатини оширишни кўзда тутган ҳолда мамлакатнинг рақамли инфратузилмасини тўлиқ

модернизация қилиш ва замонавий телекоммуникация хизматларидан барча ҳудудларда фойдаланиш имкониятини таъминлаш натижага эришиш шартларидан бири эканлиги қайд этилган. Шунингдек, рақамли иқтисодиёт миллий стратегиясини ишлаб чиқиш борасидаги лойиҳа билан “Рақамли Ўзбекистон-2030” миллий стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича “Йўл харита”си лойиҳасида: “Рақамли Ўзбекистон-2030” миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”ни тасдиқлаш; давлат хизматлари кўрсатиш, давлат бошқаруви, иқтисодиётнинг барча тармоқлари, хизмат кўрсатиш соҳаларида рақамли трансформация қилиш; бизнес харажатлари ва маъмурий юкломани камайтириш мақсадида маъмурий тартиб-таомилларни рақамлаштириш назарда тутилади. Юқоридагилардан кўринадики, Давлат ва жамият бошқаруви соҳасига замонавий ахборот-коммуникация тизимларини жорий этиш, мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотлар ва ўзгаришларни самарали амалга оширишнинг муҳим шarti ҳисобланади. Шунингдек, рақамли иқтисодиётни ривожланиши оқибатида миллий рақамли иқтисодий хавфсизлик тизимини яратиш лозим. “Миллий рақамли иқтисодий хавфсизлик тизими” тушунчаси мураккаб сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий, техник, ижтимоий-маданий тизим бўлиб, у миллий рақамли иқтисодий хавфсизликни таъминловчи объект ва субъектлар мажмуасидан иборат, бу рақамли иқтисодиёт субъектларининг миллий манфаатларини, амалдаги миллий қонунчиликни етарли даражада ҳимоя қилиш учун фойдаланилиши мумкин. Бу эса давлат сиёсати, миллий рақамли иқтисодий хавфсизлик, норасмий норма ва ижтимоий ҳуқ-қоидаларини тартибга туширувчи меъёрий-ҳуқуқий тизимни яратиш кераклигини билдиради. Масалан, давлат органлари ва ташкилотларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар кўрилаётганига қарамасдан “Электрон ҳукумат” тизимининг жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатишига, ахборот соҳасидаги таҳдидларга қарши курашишга тўсқинлик қилувчи қатор муаммолар сақланиб қолмоқда. Сохага таълуқли бўлган адабиётларни ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, рақамли иқтисодиётга ўтиш борасида амалга оширилган илмий изланишлар якунига кўра муаллифларнинг фикрлари асосан иккига бўлинади. Масалан,

Бир қанча муаллифлар Иқтисодиёт тизимини ислох қилиш ва фаолият самарадорлигини оширишнинг бош омили, бу сохага рақамли технологияларни жорий қилиш деб ҳисоблайдилар. Рақамли технологияларни тизимга жорий қилиш, хизмат кўрсатиш, маълумотларни қайта ишлаш, электрон таҳлил қилиш жораёнларини тезлаштиради ва вақтни тежашга эришилади. Бунинг натижасида соха ривожланади.

Иккинчи томон муаллифлар жамоасининг фикрича энг аввало сиёсат, ҳуқуқий меъёрлар ва иқтисодиётнинг ривожланганлик жаражаси рақамли технологиялар саноатининг вужудга келиши ва фойдаланилиши даражасини белгилаб беришда асосий роль ўйнайди. Чунки иқтисодиёт тараққий этиши билан биргаликда рақамлаштиришга ва технологиялардан фойдаланишга эҳтиёж кучаяди ва бу эҳтиёжлар ўз-ўзидан таклифни келтириб чиқаради. Бу муаллифлар сирасига Л.Олейник, А.Абдирахмановларни киритиш мумкин.

Мисол тариқасида рақамли технологияларни иқтисодиётнинг алоҳида соҳаларига қай даражада тадбиқ этилаётганлигини ўрганиш мақсадида Давлат солиқ тизими танлаб олинди. Иқтисодиёт соҳасини ривожланиши Мустақил Ўзбекистонимиз учун жуда муҳим йўналишлардан биридир. Шу сабабли мустақилликдан сўнг бу сохага алоҳида эътибор

билан қараб келинади. Шу жумладан иктисодиётнинг асосий бўғими бўлган солиқ тизими ҳам ўтган йиллар давомида шаклланиб-ривожланиб келмокда. “Илм, маърифат ва рақамли иктисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ, ахборот-коммуникация технологияларини модернизация қилиш орқали солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2020 йилнинг 5 июнида 359-сонли қарор қабул қилинди. Қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш стратегияси, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш **чора-тадбирлари режаси** тасдиқланди. Мазкур қарорда Давлат солиқ хизмати тизими ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишдаги 8 та камчилик санаб ўтилган, жумладан, Давлат солиқ қўмитасининг маълумотлар базаси хажмининг ортиб бораётганлиги, сақлаш қурилмаларига тушаётган юкларнинг хаддан ортиқ кўплиги, ахборот дастурларини бир-бирига интеграция қилиш зарурати, ташқи манъба маълумотлари ва электрон ҳисобварақ-фактураларни сақлаш учун қўшимча серверларнинг зарурлиги, солиқ тўловчи ва солиқ идораси ўртасида ягона маълумот алмашиш тизимининг йўқлиги, ахборот хавфсизлиги ва юқори малакали солиқ соҳаси кадрларини тайёрлашдаги камчиликлар шулар жумласидандир.

Хўш, бу камчиликларни бартараф этиш учун қандай ишлар амалга оширилиши лозим. Юқоридаги қарорда солиқ маъмуриятчилигига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этган ҳолда, солиқ тўловчиларга мажбуриятларини ихтиёрий бажаришга шароит яратиш ҳисобига солиқ йиғимларини ошириш, шунингдек, инсон аралашувини чеклаш, қарор қабул қилиш жараёнини автоматлаштириш ва ягона стандартларни жорий этиш ривожланиш стратегиясининг бош мақсади эканлиги белгилаб қўйилган.

Кузатишлар ва таҳлиллар натижаси ўлароқ шундай ҳолат мавжудки, иктисодиётга жорий этилган рақамли технологиялар, тезкор хизмат кўрсатиш ва вақтни тежашга, рақамланган база яратишга ва яқунда иш самарадорлигини оширишга хизмат қилиш мақсадида амалга жорий этилади. Бироқ яратилган ва амалга тадбиқ қилинган рақамли технологиялар самара бериши учун аввало, ушбу рақамли технологиядан фойдаланувчида тегишли билим ва кўникма ҳосил қилиш керак. Рақамли технологияни амалиётга жорий қилиниши билан бирга, ундаги дастурий таъминотлардан фойдаланувчилар учун дастурий таъминотни қўллаш бўйича ягона мукамал йўриқнома ҳам расмий тасдиқланмоғи ва фойдаланувчига етказиб берилиши лозим бўлиб, бу юзага келадиган кўплаб муаммоларнинг олдини олади ва дастурда ишлаш ҳуқуқий тизимини тартибга солади. Солиқ ходими ва солиқ тўловчининг дастурий таъминотни тўғри ва сифатли ишлашидаги мажбуриятлари, фойдаланишдаги ҳуқуқларининг чегаралари аниқ белгилаб берилган, ҳамда қонуний кучга эга бўлган йўриқнома низоларни ҳал этишда ҳам зарур ҳужжат бўлади. Солиқ соҳасида мутахассислар тайёрлаб берувчи олий таълим муассасалари дарс соатларида ҳам солиқ йўналиши талабалари учун давлат солиқ тизимида фойдаланиладиган дастурий махсуллар ва уларни ишлатиш тартибига етарлича дарс соатлари ажратилиши мақсадга мувофиқ. Чунки бугунги кунда солиқ ва солиққа тортиш ўқув йўналишлари мавжуд бўлган олий таълим муассасаларида солиқларнинг фундаментал асосларини ўргатиш билан чегараланиб, кўп ҳолларда айни дамда солиқ тизимида фойдаланилаётган дастурий махсуллар, уларнинг ишлаш принциплари, ишлаш қоидаларининг қайси меъёрий-ҳуқуқий

хужжатларга асосланганлиги таълим берилмаяпти, Бунинг оқибатида биритувчи Давлат солиқ тизимига ишга келгач, ёки корпоратив солиқ менежменти иштирокчиси бўлганидан кейин, жараёндаги автоматлаштирилган тизимлардан фойдаланишни янгидан ўрганишига тўғри келмоқда.

Хулоса ўрнида: давлат солиқ тизимида мавжуд бўлган дастурий махсулотларини ишлаш принципи ва фойдаланиш тартибини олий таълим муассасаларининг солиқ таълим йўналишлари талабалари ўқув режаларига киритиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳозирги кунда олий таълим тизимида лаоқал “Солиқ ва солиққа тортиш” мутахассислиги таълим йўналиши соҳасида таълим олаётган талабаларнинг бугунги кунда солиқ тизимига жорий этилган дастурий махсуллар билан танишиши учун имкон берувчи фан ёки тегишли фан ичидаги дарс соатларини жорий этиш керак.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.04.2020 йилдаги №ПҚ-4699-сонли Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. Sh.M.Mirziyoev. Shavkat-Mirziyoevning-bmtdagi-tarixiy-nutqi. [hordiq.uz](http://hordiq.uz). 2017 й. 20-сентябрь
3. Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 5 июндаги “Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 359-сон қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
4. Бердиева У.А. “Цифровые технологии – как фактор повышения эффективности налогового администрирования”// Журнал “Международные финансы и учёт” № 2, апрель, 2019. 2-3-бетлар